



Received: April 21, 2021
Accepted: June 16, 2021
Available online: June 25, 2021

Дилфуза Тухлиева

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика
университети таянч докторанти
Тошкент, Ўзбекистон

ҲАЗАЛ ЖАНРИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ

АННОТАЦИЯ

Лирик асарлар муайян оҳангга солинганлиги, ҳажм жиҳатидан бошқа адабий турдаги асарларга нисбатан қисқалиги, инсонлар хотирасида тез ва осон сақланиб қолиши, кишига эстетик таъсир кўрсатиш имкониятининг анча кенглиги, ўқувчининг турли ёш хусусияти ва адабий тайёргарлигига мос бўлган хилма-хил жанрларига эгаллиги учун ҳам энг қадимги даврлардан бугунги кунга қадар ўз аҳамиятини йўқотмай келмоқда.

Ўзбек мумтоз адабиётининг ҳам саломқли қисмини айнан лирик турга мансуб асарлар ташкил этади. Лирик жанрдаги ушбу асарлар ичида асосий ўринни ғазал эгаллайди. Мумтоз давр лирикаси шакл жиҳатидан хилма-хил бўлиб, фард, рубоий, туюк, қитъа, ғазал, мухаммас, мусаддас, маснавий, қасида каби ўзига хосликларга эга турли жанрлардан таркиб топган. Уларнинг ҳар бири ўз генезиси ҳамда ривожланиш тарихига эга. Хусусан, ғазал Шарқ шеърлятида кенг тарқалган машҳур жанр ҳисобланади. Дастлаб, маълум шаклга солинган, фақат ишқ-муҳаббат мавзусида яратилган шеър жанри сифатида пайдо бўлган, вақт ўтиши билан ҳам мавзу, ҳам шакл жиҳатидан имкониятлар доираси кенгайиб борган. Ушбу жанрдаги шеърлар қадимдан шоирлар девонларида салмоқли ўрин эгаллаган. Мазкур мақолада ғазалнинг луғавий ва истилоҳий маънолари, генезиси, унинг жанр сифатида ривожланиш босқичлари, шаклан ва мазмунан ўзгариши, кенгайишига сабаб бўлган ички ва ташқи омиллар, ғазал жанрида

Dilfuza Tukhlieva

PhD student, Tashkent state pedagogical university
named after Nizami
Tashkent, Uzbekistan
E-mail: tuxliyevadilfuza@gmail.com

HISTORY OF THE DEVELOPMENT OF THE GHAZAL GENRE

ANNOTATION

Lyrical works have not lost their importance since the earliest times to the present day as they are tuned in a certain tone, short in size compared to other literary genres, can be stored quickly and easily in people's memory, have a wide range of aesthetic effects, are suitable for different age and literary training of readers and possess a variety of genres.

A significant part of Uzbek classical literature is lyrical works. The ghazal genre is one of the most important of these lyrical works. The lyrics of the classical period are diverse in terms of a genre and include a variety of genres, such as fard, rubai, tuyuk, qit'a, ghazal, muhammas, musaddas, masnavi and qasida. Each has its own genesis and history of development. Especially, ghazal is a popular genre in oriental poetry. Originally it emerged as a genre of poetry created exclusively on the theme of love, and over time, the range of possibilities in terms of both theme and form expanded. Poems of this genre have long occupied a prominent place in the poetry. In this article, the lexical and terminological meanings of the ghazal, a brief genesis, the stages of its development as a genre, changes in form and content, internal and external factors that led to its expansion, the main Arabic and Persian works of the ghazal genre and representatives of Uzbek literature, their contributions to the content and form of the genre are analyzed.

In carrying out these analyses, the author of the article refers to the works of classical theorists such as Kudama ibn Jafar, Shamsuddin Muhammad

иждо килган араб, форс ва ўзбек адабиётининг йирик вакиллари, уларнинг жанр мазмуни ва шаклий тақомилига қўшган ҳиссалари тадқиқ этилган.

Бу таҳлилларни амалга оширишда Қудам ибн Жафар, Шамсуддин Муҳаммад ибн Қайс Розий, Қабул Муҳаммад, Рашидиддин Вотвот, Шайх Аҳмад Тарозий, Ҳусайн Воиз Кошифий каби мумтоз назарийчи олимлар асарлари ва араб, форс, ўзбек адабиёти тарихи, хусусан, ғазал жанрини чуқур ўрганган шарқшунослар А. Кинаний (Kinany A. Kh), Е. Э. Бертелс, И. М. Филштинский, М. Л. Рейснер, А. Мирзоев, А. Атеш, А. Ҳайитметов, О. Носиров, Р. Орзобеков ва бошқаларнинг илмий ишларига мурожаат қилинган, уларнинг фикрлари ўзаро қиёсланган, ўхшаш ва фарқли жиҳатлар изоҳланиб, ғазал жанри тарихи ва хусусиятларига оид мулоҳазалар баён қилинган.

Калит сўзлар: ғазал, шеър, жанр, ишқ-муҳаббат, таҳаллус, араб адабиёти, форсий тилдаги ғазаллар, ўзбек адабиёти.

КИРИШ

Шарқ мумтоз адабиётнинг лирик хазинаси ва шоирлар девонининг катта қисмини ғазал жанридаги шеърлар ташкил этади. Ғазал, дастлаб, араб адабиётида вужудга келиб, форс диёрида ўзининг юқори чўққисига эришган, сўнгра туркий адабиётнинг бадиий хазинасини ҳам гўзал намуналар билан тўлдирган қадимий жанрлардан бири ва шоирлар қадимдан ушбу жанр намуналарини сон ва сифат жиҳатидан мунтазам бойитиш ҳамда тақомиллаштиришга ҳисса қўшиб келганлар. Ғазал жанри тадқиқига оид кўплаб илмий-назарий асарлар яратилган, уларда ғазал атамасининг луғавий ва истилоҳий маънолари, генезиси, асосий хусусиятлари, ривожланиш тарихи, шакл ва маъно жиҳатидан тақомили, асосий турлари, бошқа жанрлар билан ўхшаш ва фарқли жиҳатлари тадқиқ этилган. Шу билан бирга мавжуд тадқиқотларда мазкур жанрга оид бир-бирини инкор этувчи ёки ўзаро номувофиқ қарашлар, илмий фаразлар ҳам мавжуд, уларни бугунги кун илми нуқтаи назаридан умумлаштириш, мунозарали ўринларга муносабат билдиришга эҳтиёж мавжуд.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ

Ғазал жанри ҳақида маълумот берувчи форсий тилда яратилган асар Шамсуддин Муҳаммад ибн Қайс Розийнинг (XII асрнинг охири – XIII аср боши) “Ал-мўжам фи маъойири ашъор ул-ажам” (“Ажам шеър ўлчовлари луғати”)да кўпроқ ғазал сўзининг луғавий маъноси, келиб чиқиш этимологияси ҳақида маълумот берилган. Қабул Муҳаммаднинг “Ҳафт қулзум” асарида ғазал

ibn Kays Razi, Kabul Muhammad, Rashididdin Watwat, Sheikh Ahmad Tarazi, Husayn Waz Kashifi and the history of Arabic, Persian, Uzbek literature, in particular, the orientologists as Kanani, Y.E.Bertels, I.M.Filshtinsky, M.L.Reysner, A.Mirzoev, A.Atesh, A.Hayitmetov, O.Nosirov, R.Orzibekov and others who studied the ghazal genre. The researcher compares their scientific works, opinions, similarities, differences, explains, and comments on the history and characteristics of the ghazal genre.

Key words: ghazal, poem, genre, love, pseudonym, Arabic literature, Persian ghazals, Uzbek literature.

жанрининг истилоҳий маъноси, тузилиши, байтлар миқдори, ушбу жанрда ёритиладиган асосий мавзулар нисбатан тўлиқ ифода этилган. Рашидиддин Ватвот (XIII аср)нинг “Хадойиқ ус-сехр фи дақойиқ уш-шеър”, Шайх Аҳмад Тарозий (XIV аср охири – XV аср)нинг “Фунун ул-балоға” ва Ҳусайн Воиз Кошифий (XV аср)нинг “Бадойиъ ул-афкор фи саноеъ ул-ашъор” асарларида ҳам ғазал жанри ҳақидаги назарий фикрлар қисқа баён этилган.

Рус, Европа ва турк шарқшуносларидан А.Кинаний, Е.Э.Бертелс, И.М.Филштинский, М.Л.Рейснер, Ф.Д.Левиш, А.Мирзоев, Ш.Нуъмоний, А. Атеш, Ҳ.Аянғил ва Д.Жалажел томонидан ғазалнинг келиб чиқиш ва шаклланиш тарихи, энг қадимги даврларга мансуб қўлёзмалар, адабиётшуносликка оид илмий, тарихий, бадиий манбалар асосида араб ва форс адабиётларида мазкур жанрнинг тақомили, мазмун ва шакл жиҳатидан қай тарзда ўзгариб борганлиги хусусида кенг қўламда тадқиқотлар олиб борилган, илмий хулосалар баён қилинган.

Туркий адабиётдаги ғазал жанри Фитрат, М.Шайхзода, О.Носиров, Р.Орзибеков, А.Ҳайитметов ва Ё.Исҳоқов томонидан махсус ўрганилган. Ушбу тадқиқотларда ғазал жанрининг туркий адабиётда пайдо бўлиши, ривожланиш тарихи, етакчи тараққиёт тенденциялари, ғазалнинг композицияси, ўзбек ғазалиётининг классификацияси ва бошқа жиҳатларига алоҳида эътибор қаратилган. Ушбу тадқиқотларнинг натижа ва умумий хулосалари “Адабий турлар ва жанрлар. Лирика” ва “Адабиётшунослик терминлари луғати”да ҳам акс этган.

УСУЛАР

Замонавий адабиётшуносликда ҳар қандай филологик масалага унга алоқадор бўлган контекстлардан келиб чиқиб ёндашиш зарурати тобора ортиб бормокда. Шу боис мақолада мазкур ёндашувга хос тадқиқот методларидан фойдаланишга кўпроқ эътибор қаратилди. Хусусан, мақолани тайёрлашда структуравий-функционал, системали ёндашув, қиёсий-тарихий методлардан самарали фойдаланилди. Асосий таҳлиллар қиёсий-тарихий метод асосида амалга оширилди, чунки ғазал жанри муштарак адабий ҳодиса бўлиб, унда уч улкан адабиёт: араб, форс ва туркий адабиётларга хос хусусиятлар уйғунлигини кузатиш мумкин.

МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАР

Мақолада ғазал жанрининг генези ва унга оид манбаларни ўрганиш, ғазалнинг ривожланиш босқичларини аниқлаш ва бу орқали ушбу лирик жанрга хос етакчи хусусиятлар тақомилини кузатиш мақсад қилиб олинган. Ушбу мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифалар бажарилди:

- ғазал жанрининг илк ижодкорларини аниқлаш ва унинг дастлабки намуналари билан танишиш;
- ғазал жанри ҳақида маълумотлар учрайдиган илк назарий манбаларни тадқиқ этиш;
- ғазалнинг араб, форс ва туркий адабиётдаги ўрни, шаклланиш босқичлари, мавзу ва шаклий жиҳатдан қандай ўзгаришга учрагани ҳақида

ўз илмий хулосаларини баён этган форс, рус, инглиз, озарбойжон ва ўзбек олимларининг ишлари билан танишиш, уларни ўзаро таққослаш ва таҳлил этиш орқали ғазалнинг ривожланиш тараққиёти ҳақидаги баҳсли ўринларни белгилаб, уларга муносабат билдириш, ҳақиқатга яқин қарашларни аниқлаш;

– ғазал жанрининг ўзбек адабиётидаги ривожланиш тенденцияларини кўрсатиб бериш.

НАТИЖА ВА МУЛОҲАЗАЛАР

Ғазал жанри Шарқ адабиётида кенг тарқалган, нисбатан қадимий шеърӣй шакллардан бири ҳисобланади. “Қасидадаги мадҳ, рубоийдаги фалсафа, май ва риндона кайфиятлар, туюқнинг бадий баркамоллиги, таржибанд ва таркибанддаги ҳаёт тўғрисидаги чуқур мулоҳаза ва тафаккур, китъа ва фарддаги дидактика, муаммодаги киноя, чистонлардаги ҳажв ва юмор – буларнинг ҳаммаси ғазалда мужассамлашгандир” [Носиров О., 1972; 11-12]. Шу сабаб ҳам ғазал шоирлар девонларидаги энг “кўп ва ҳўб” мурожаат қилинган асосий шеър жанри, ҳофизлар томонидан мунтазам қуйланган шеър тури, тингловчилар томонидан севиб тингланган, тилдан-тилга кўчиб юрган шеър намунаси ҳисобланган. *Ғазал* (غزل – арабча дўстлашмоқ)нинг асосий мавзуси севгидир, “*хотунлар била суҳбат қурмоқни севмак*”, “*маъшуқ жамоли зикри*” ва маъшуқага хушомаддан иборат бўлган, монорифмали, жуфт мисраларигина қофияланувчи, биринчи байти матлаъ, охириги байти мақтаъ деб аталувчи, кўп вақт беш байтгидан ўн икки байтгигача ёзилган, ҳар байти нисбий мустақил, айни ҳолда ҳамма байтлари мантиқан ва бадииян боғланган, охириги байтда тахаллус келтриладиган лирик жанр” [Адабий турлар ва жанрлар, 1992; 193]. Ғазал юқорида қайд этиб ўтилган катъий қоидаларни ўзида мужассам этган мустақил жанрга айлангунга қадар узоқ ривожланиш йўлини босиб ўтган.

Ғазал атамаси илк бор араб адабиётида вужудга келган. *Ғазал* сўзи икки хил маънода қўлланади: луғавий ва истилоҳий. Бирор кишига *хушторлик қилмоқ*, кимгадир *ошиқона муносабатда бўлиш* маънолари берувчи ғазал “Ғиёс ул-луғат”да қуйидагича изоҳланган: Ғазал – маҳбубнинг хушторлиги, ёшлиқдан ҳикоя қилиш ҳамда аёлларнинг ишқи ва суҳбати баёни; аслида, ғазални *йигирмоқ* ва *ўрмоқ*; *ип*, *таноб*, *арқон* маъносида келтирадилар [Ғиёс ул-луғот, 1998; 87].

Адабиёт назариясига оид китобларда ғазал атамасининг таърифи илк марта Қудамма ибн Жафарнинг (IX–X асрлар) “Нақд уш-шеър” асарида учрайди. Унда ғазал сўзи қуйидагича таърифланади: “Ғазал, бу – муҳаббат бўлиб, аёлларга бўлган ақлдан оздирувчи севги ҳақидаги ҳикоятдир” [қаранг: Сулейманова М., 2012; 35]. Шамсуддин Муҳаммад ибн Қайс Розий (XII асрнинг охири – XIII аср боши) “Ал-мўжам фи маъойири ашъор ул-Ажам” (“Ажам шеър ўлчовлари луғати”) китобида “Ғазал – асл луғавий маънода “аёллар сўзи ва улар билан ишқбозлик, уларнинг дўстлигида несту нобудликдир” [Розий, 1991; 332] дея таърифлаб, ғазал сўзининг келиб чиқиш этимологиясини қуйидагича изоҳлайди:

“Ғазал аёлларнинг дўстлиги ва уларга ўзларининг феълию сўзлари воситасида ҳавойи дил майлидир. Шу боисдан айтадиларки, овчи ит (сиртлон,

қоплон) овда оҳуга етгач, чорасиз қолган оҳу жон кўркувидан заиф инграйди. Итда бир раҳмдиллик пайдо қилади ва (ит) ундан чалғийди, бошқа бирор нарсга машғул бўлади. Айтадиларки, “Ғазила ал-кулбу”, гўё оҳуга ғазол деб шу ердан ном қўйганлар, яъни бу муғозалат (ғазал айтиш)га мувофиқдир” [Розий, 1991; 332]. Ушбу изоҳдан маълум бўладики, мазкур шеър жанри нафақат оҳу маъносини берувчи ғазал сўзини ном сифатида қабул қилган, шу билан бирга оҳунинг жон талвасасида инграб рақиби (овчи ит, сиртлон)да раҳм-шавқат уйғотиш ҳолатини жанрнинг характерини белгилаб берувчи асосий хусусият сифатида сақлаб қолган. Чунки барча анъанавий ғазалларнинг мазмунида ошиқ аксар бечора, ҳаста, заиф, имконсиз ҳолатда тасвирланиб, ўз маъшуқасига мудом ялиниб-ёлворади, тақдирдан шикоят қилади, бошидан ўтказган азоб-укубатларини айтиб ингранади. Мақсад эса маъшуқада раҳм-шавқат, меҳр-муҳаббат, ўзига нисбатан майл уйғотишдир. Ғазал жанрининг табиати, хусусиятларини тушунтиришда Шамсуддин Қайс Розийнинг мазкур маълумотлари катта аҳамият касб этади.

Тарихий манбалар ичида Қабул Муҳаммаднинг “Ҳафт қулзум” асарида ғазалга берилган нисбатан тўлиқроқ таърифни учратамиз. Қабул Муҳаммад ғазал ҳақида шундай ёзади: “Билгилки, ғазал луғатда “аёлларга сўзда хушомад ва истилоҳда вазн ва қофияда бир хил бўлган бир неча байтдир, у байтларнинг биринчи дастлабкисидаги ҳар икки мисраси қофияланган бўлади, уни *матла* ва *мабда* дейдилар, иккинчи байтнинг агар ҳар икки мисраси қофияли бўлса, *зеби матла* ва *ҳусни матла* дейдилар. Охирги байтни *мақта* ва *хотима* дейдилар, шарт шуки, ўн икки байтдан ошмайди ва баъзилар ғазалнинг ҳадди ўн тўққиз байтгача дейдилар Аммо сўнгги давр шоирларининг баъзиси йигирма байт дейдилар. Лекин ғазалнинг ҳадди ўн тўққиз байтгачадир.

Ғазалда кўпроқ маҳбуб жамолининг зикри, муҳиб ҳолининг сифати, ошиқ ҳолининг баёни ёзилади, маъвиза ва насиҳатлар бошқа шеърый жанрларда ёзилади.

Нимадан бошласалар, висол ёки фироқ бўлсин, яна шундай тамомлайдилар. Ғазалда боғланмаган байт бўлмайди. Ғазалнинг охирига қадар ҳар байт бошқа байтдан яхшироқ, юксакроқ бўлади” [Мирзоев А., 1977; 18].

Рашидиддин Вотвот (XIII аср) “Ҳадоийқ ус-сехр фи дақойиқ уш-шеър” асарида *ғазал*, *насиб* ва *ташбиб* сўзларини ўзаро маънодош сўзлар сифатида ишлатади ва юқорида ғазалга берилган таърифларни ташбибга нисбатан қўллайди: “Ташбиб – маъшуқ ҳоли ва унинг ишқидаги ўз ҳоли сифатларини айтиш бўлади. Буни *насиб* ва *ғазал* ҳам дейдилар. Аммо кўп ишлатиладигани шуки, халқ орасида шеърнинг аввалида мамдуҳ мадҳигача ҳар ниманинг сифатини ва ҳар ҳолнинг шарҳини берсалар, уни *ташбиб* дейдилар” [Ватват Р., 1978; 120].

Ташбибни ғазалнинг бир тури сифатида қараш “Ал-мўжам...” асарида ҳам мавжуд, Қайс Розий бу ҳақида шундай дейди: “Ташбиб – бир ғазал бўлиб, унда воқеа баёни ва шоир ҳасбу ҳоли бўлади, худди ҳар бирида бир аёл билан эски алоқалар бўлган Қусайир, Қайси Зареху Мажнун бани Омар ва улар каби

араб шоирларининг ашъорларида айна воқеа ва улар ҳолининг баёни берилади” [Розий, 1991; 330].

Ғазал сўзи ва жанрига таъриф бериш жуда узоқ давом этган. Бу ҳолни икки жиҳат билан асослаш мумкин: биринчиси – ғазалнинг жанр сифатида янги қирраларни касб этиб бориши, яъни жанр эволюцияси, иккинчиси – ғазал жанрига хос хусусиятларни ушбу таърифларда мукаммал акс эттириш истаги. Ҳатто ғазал жанр сифатида тўлақонли шаклланиб бўлган даврда ҳам бу жанрга таъриф бериш давом этган. Жумладан, XV асрда яшаб ижод этган, Алишер Навоийнинг замондоши Ҳусайн Воиз Кошифий ғазалга шундай таъриф беради: “Ғазал – ошиқлик ҳосиласи, муғозалат (ошиқлик), аёллар билан ишқбозликдир, улар билан сўзлашмоқ, суҳаншунослар тилида ғазал деб шуни айтадиларки, маҳбуба шаклу шамойили васфи ҳамда муҳиб (дўст) ҳолининг ҳикоятину азоблари шарҳидир; наъти жамол ва зулфу ҳол васфи, ҳажру висол баёни билан зийнатланади” [Кошифий, 1369; 71].

Шунингдек, адабиётларда ғазалга алоҳида бир бадий санъат тури сифатида қараш ҳам мавжудлигини кўриш мумкин. Масалан, Шайх Аҳмад Тарозий (XIV аср охири – XV аср) “Фунун ул-балоға” асарининг “Ал-фанн ул-аввал фи ақсом иш-шеър” деб номланган биринчи бобида “шеър қисмлари ўнта” деб ғазални қасида, қитъа, рубоий, маснавий, таржиъ, мусаммат, мустазод, мутаввал ва фард каби шеърӣ жанрлар қаторида санаб ўтса, “Ал-фанн ус-солис фис сано иш-шеър” деб номланган учинчи бобда уни шеърда қўлланувчи бадий санъат сифатида тилга олади: “Билким, мунча саноеким, зикр қилдук, барчаси асл (аҳли) бадеъ қошида машҳур ва мутабардур ва мундин бошқа бир неча санъатким, мутааххирлар (кейинги давр шоирлари – *Д.Т.*) қошинда урф бўлур эрди, они тақи баён қилоли, то шеърнинг ҳеч дақиқаси бу нусхадин муҳмал қолмағай. Ул санъатлар бу дурур: бадеҳа, назар, солис, ғазал, саҳли мумтане, номутаноҳӣ, бадеҳа” [Тарозий, 1996; 145]. Сўнгра ушбу бадий санъатга қисқача таъриф беради: “Ғазал, бу – анингдек бўлурким, шеърнинг алфози маҳкам ва устувор бўлса. Мисол: Рашид айтур:

Боли мурасса, бисухт мурғи муламма бадан

Ашк Зулайхо бирехт, Юсуф гули хирман” [Тарозий, 1996; 146].

Ушбу классик лирик жанрнинг ҳажми масаласи ҳам адабиётшуносликда кўплаб баҳсларга сабаб бўлган. Бунда ҳам ғазални таърифлаш билан боғлиқ ҳолатга ўхшаш ҳолни кузатиш мумкин. Ҳар бир манбада ғазал ҳажмининг турли миқдорда бўлиши кўрсатилади. Ғазалнинг истилоҳӣ маъноси қайд этилган илк асарлардан бири – Қабул Муҳаммаднинг “Ҳафт қулзум” асарида ғазал ҳажмининг чегараси ўн икки байтгача бўлиши, лекин баъзи шоирлар ижодида ўн тўққиз, ҳатто йигирма байтлик ғазаллар ҳам учрашини маҳсус қайд этиб ўтилган. Шеър илми бўйича илк туркий асар муаллифи Аҳмад Тарозий ғазал байтларининг миқдорини қуйидагича белгилайди: Ғазалнинг аксари йигирма байт бўлур ва ақалли беш байт. Андин ўксук бўлмас. Магар қофия топилмаса,

тўрт байт қилурлар. Ул ҳам зарурат ҳукмидан жойиздур [Тарозий, 1996; 38]. Тарозий ғазалнинг кўпи йигирма байтгача, ками беш байтгача бўлишини қайд этар экан тўрт байтли ғазалга фақат истисно туфайли ижозат борлигини таъкидлайди.

Ҳусайн Воиз Кошифий “Бадоеъ ул-афкор фи саноеъ ул-ашъор” асарида ғазал байтларининг адади ҳақида қуйидагича фикр билдиради: “Алфоз равонлиги ва маъно ёқимлилиги унинг хусусиятларидандир ва матланинг очиқ-равшанлиги унинг талабларидан биридир. Фасоҳат арбобларининг кўп йиллик тажрибалари ва татаббуъларидан англашиладики, ғазал байтлари ададининг камроғи бешдур ва унинг аксари (кўпроғи) ўн беш. Бу ва унинг орасида миқдор қадар бўлгани унга тегишлидир [Кошифий, 1369; 71]. Эътибор берилса, аксарият адабиётшунослар ғазал жанри ҳажмининг юқори чегарасини белгилашда турлича фикрга эгалар, бу жанрнинг энг кам ҳажмини белгилашда эса, деярли, ҳамфикрдирлар. Ушбу ҳолат ҳам ғазал жанрининг тарихан ривожланиб бориши билан алоқадор бўлиши керак.

Абдурауф Фитрат ғазалнинг энг кам миқдорида тўхталмасдан, фақат “ўн икки байтдан ортуқ бўлмаса ғазал бўлади” [Фитрат А., 2006; 38-39] деб Қабул Муҳаммад каби унинг чегарасини кўрсатади, холос. Аммо бу фикрга қайси манбалар асос бўлиб хизмат қилганини аниқ кўрсатмайди. Қайд этиш керакки, ҳозир фанга маълум назарий манбаларда лирик асарнинг ғазал деб аталиши учун унинг ҳажман ўн икки байтдан ошмаслиги шарт деб белгилангани ҳақида маълумот берилган манбани учратмадик.

Ғазалнинг қачон пайдо бўлганлиги ва илк ғазал муаллифи ҳақида турли қарашлар мавжуд. Олимларнинг аниқлашича, ғазал исломдан олдин, жоҳилият даврида ҳам мавжуд бўлган. Машҳур рус шарқшуноси Филштинский араб олими Ал-Исфажонийнинг (X–XI асрлар) маълумотларига таяниб, биринчи севги мазмунидаги шеър – ғазал ёзган шоир сифатида Муҳалхилни (вафоти – тахминан 530 й). қайд этиб ўтган [Филштинский И.М., 1985; 64]. Манбаларда кўрсатилишича, машҳур араб шоирларидан Умар ибн Абу Робианинг (644–712) баъзи шеърларини тингловчилар “ғазал” деб атаганлар. Бошқа ривоятга кўра, ушбу шоирнинг бир шеърини бошқасидан тинглаган Ал-Фараздак (вафоти – 728 й.): “Эй Абул Ҳаттоб, валлоҳий, сен бутун инсонларнинг энг гўзал ғазал айтганисан”, – дер эди [Аянгил Х., 2011; 3].

Бироқ бу ерда ишлатилган *ғазал* атамаси айнан қайси шеър турига нисбатан қўлланилгани борасида аниқ гап айтиш мушқил. Ҳар ҳолда бу атама биз бугунги кундаги ягона вазнга эга бўлган, қофиядош байтлардан ташкил топган, дастлабки байти ўзаро қофияланган матлаъ ва сўнгги байтида шоир тахаллуси келтирилган мақтадан ташкил топган классик шеърый жанр маъносида қўлланмаган бўлиши керак. V–X асрлар араб адабиёти назарияси тарихига бағишланган китобларда ғазал махсус жанр сифатида тилга олинмайди. Чунки ғазал исломгача ва исломнинг илк даврида араб адабиётида алоҳида жанр ҳисобланган эмас. Бу давр – олтин қасидалар даври эди. Қасидалар учун турли жанрлар мавжуд эди. Улар орасида мадҳ, ҳикам, ҳижо, фахр бор эди. Бироқ ғазал – муҳаббат шеъри

– буларнинг орасида йўқ эди [Жалажел Д., 2020]. Лекин “араб поэзиясида шеърларнинг жанр хусусиятларини белгилаш ва тасниф қилишда уларнинг шаклий томонига эмас, балки мазмунига асосланиб иш қўрилган. Шунга қўра, классик шоирларимизнинг, севги ва ёр ҳақида ёзилган шеърлари – ғазал, диний мазмундаги, пессимистик кайфиятдаги шеърлари зуҳд, ҳижо ёки ҳажв; фалсафий, ахлоқий, таълимий-дидактик руҳдаги шеърлари ҳикам, ўзининг сифатларини баён этишга бағишланган шеърларини фахр, бирор шахс фаолиятини мақташга бағишланган шеърлар мадҳ, марҳумни эслаш учун ёзилган шеърлар рисога тўғри келади. Буларнинг ҳаммаси бизда битта термин – ғазал деб аталган. Шунинг учун ҳам ғазални тор луғавий маънода севгига бағишланган шеър сифатида, кенг маънода эса қадимги араб лирик поэзиясидаги турли жанрларни бирлаштирган, синтез қилган жанр сифатида тушуниш тўғрироқдир” [Орзибеков Р., 1976; 18].

Қадимги қасида композициясига қўра уч қисмга бўлинган. Унинг биринчи қисми насиб (ташбиб) деб номланган ва у қасиданинг кириш – муқаддимаси ҳисобланган. Кўпчилик олимлар ғазални айна шу муқаддимадан ўсиб, кейинчалик мустақил жанр сифатида такомил топган деб ҳисоблайдилик. Эронлик адабиётшунос Шиблий Нуъмоний “Ғазал қасида дарахтидан олинган бир қаламча бўлиб, кейинчалик ундан алоҳида ажралиб, ўсиб ривожланиди” дея чиройли ўхшатиш орқали бунга ишора қилган бўлса, Е.Э. Бертелс ҳам энг қадимги ғазалларни “қасидадан ажратилган севги насиблари” [Бертелс Е.Э., 1960; 107] деб атаган эди. Чунки қасиданинг насиб қисмида шоир ўзининг бошидан кечирган муҳаббат қиссаларини ёки умуман севгини қуйлаган. Муҳаббат мавзуси ҳаммани бирдек ўзига жалб қилувчи, оммани қизиқтирувчи мавзу ҳисобланади. Барчани эътиборини ўзига қаратиш, мадҳга тингловчи мойиллигини ошириш учун қасида айтувчи шоир шеърнинг насиб қисмидан унумли фойдаланган. Шунингдек, Кинаний “Араб адабиётида ғазалнинг ривожланиши (Исломдан олдинги ва илк ислом даври)” мавзусидаги тадқиқотида юқоридаги сабабга қўшимча тарзда қуйидаги фактни ҳам келтириб ўтади: “Бир куни Уммавий даври шоири Зул Рооммадан қуйидаги саволни сўрашди: Агар сизнинг қобилиятингиз шеър ёзишга ёрдам бермаса, нима қиласиз?” Зул Роомма жавоб берди: “Қандай қилиб истеъдодим менга ёрдам бермаслиги мумкин? Мен уни ҳар доим ҳаракатга келтирувчи воситани биламан”. “У нима?” – деб сўрашди. “Шунчаки ёлғиз бўлганингда севгилингизни эслашдир”, – деб жавоб берди шоир [Kınapı A.Kh., 1948; 59]. Демак, қасиданавислар нафақат тингловчи эътиборини ўзига тортиш, балки ўз-ўзини илҳомлантириш учун ҳам севги-муҳаббат мавзусига бағишланган насиблардан унумли фойдаланганлар.

Лекин тожик адабиётшуноси А. Мирзоев ғазални қасиданинг насиб қисмидан ўсиб чиққан деган фикрга қарши ўлароқ, ғазал қасиданинг насиб қисмига асос бўлганлигини далиллар билан таҳлил қилган [Мирзоев А., 1977; 28]. “Ал-мўжам...”да ҳам Қайс Розий ғазал ва насиб ўртасидаги фарқни изоҳлаб қуйидаги фикрларни баён этади: “Нуктадон шоирларнинг аксари маъшук жамолию ишқу сабрининг аҳволи васфи зикрини ғазал дейдилар”. Бирор мадҳ ё бошқа бир ҳол шарҳи муқаддимасидаги ағзол (лутф, ошиқона сўз)ни насиб

дейдилар. Шу ҳукм биланки, ғазалдан мақсад кўнгилни кўтариш ва нафс хушомадидир, шарти шуки, унинг биносини таъбага хуш ёқувчи бир вазн, равон, ширин сўзлар ва равшан фасих маъноларга курадилар ҳамда унинг назмида хунук сўзлардан, дағал калималардан эҳтиёт бўлишади [Розий, 1991; 332]. Мазкур асарнинг яна бир ўрнида адиб насибга оид тўлиқроқ маълумотларни беради: “Ғазилат соҳибларининг бир гуруҳи айтадики, насиб бир ғазал (ошиқона шеър) бўлиб, шоир одатга кўра, уни ўз мақсади муқаддимасида аксар эътиборини ошиқ-маъшук ва уларнинг муҳаббатини тинглашга жалб қилиш учун ёзади. Мамдуҳнинг таъби уни эшитишга рағбат кўрсатади ва ҳавасини бошқа ишлардан чалғитади, шу восита орқали қасидада нима мақсад бўлса, кўнгилга тўлиқ ва хайрихоҳ нафсга аниқ идрок бўлади ва мавқеи унинг олдида яхшироқ кўринади” [Розий, 1991; 329-330].

Таърифлардан англашиладики, ғазалнинг ўзи ҳам мустақил шеърый шакл сифатида мавжуд бўлган, шу билан биргаликда, қасиданинг насиб қисмида ҳам қўлланилиб, ушбу жанрга чиройли кириш – безак вазифасини ҳам ўтаган.

Юқорида қайд этганимиздек, севги мавзуси ёритилган лирик асар – ғазал араб диёрида илк куртакларини жоҳилият даврида ёза бошлаган эди. “Қадимги шеърятнинг ишқ-муҳаббат муқаддималарини текшириш шуни кўрсатадики, бутпарастлик ғазалиёти, умуман олганда, уч қисмдан иборат эди: биринчи қисмида шоир аламли қайғу ичида ўз севгилисининг вайрон бўлган манзилини тасвирлайди; иккинчи қисмида унинг ахлоқий ғазилатлари ва жисмоний ҳолатларини тасвирлайди; охириги қисмида у гарчи жуда қисқа бўлса ҳам, унинг мазкур ишқий муносабатларга бўлган қарашларини аниқлаб беради” [Kinany A.Kh., 1948; 105]. Ислом динининг пайдо бўлиши, кенг ёйилиши ва ривожланиши жамиятнинг барча ҳодисалари каби шеърятга, хусусан, ғазалга ҳам ўз таъсирини сезиларли тарзда ўтказди. Бутпарастлик даври ғазалларида шоир ўз севгилисининг шаклу шамойили, гўзаллиги, у билан муносабатини анча очиқ тарзда ифода этар ва бу муносабатлар реал ҳаётдаги воқеликдан олиналди. Айни шеърда қуйланган аёлнинг номи ҳам кейинчалик халқ орасида ёйиларди. Ислом шариатида кўра, аёлга бўлган муносабат бутунлай бошқача эди. Шунинг учун ҳам ислом дини кириб келгандан кейинги даврда ғазалга бўлган муносабат бир оз ўзгарган. Кинаний, ҳатто, халифа Умар даврида ғазал турли жиноятларга сабаб сифатида қаралиб, уни ёзиш таъқиқлаб ҳам қўйилганлигини, жазодан қутилиш учун эса шоирлар турли тимсоллар орқали ўз хис-туйғуларини ифода этганликларини қайд этиб ўтади. Айни шу жиҳатлар кейинчалик ғазал мазмунига ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмаган. Шунингдек, Араб мамлакатлари чегараларининг тобора кенгайиб бориши, шаҳарларнинг ривожланиши, қарвонсаройларга бўлган талабнинг ошиши, у ерда ҳордиқ чиқарувчилар учун турли хил куй-қўшиқларга бўлган эҳтиёж ғазал ва унинг ижодкорларига ҳам бўлган талабнинг ошишига олиб келган. Эндиликда шоирлар ҳам ҳажм жиҳатидан катта бўлмаган, ҳам куй ва оҳангга мос тушадиган баҳрларда ғазаллар бита бошлашди.

Шеърларни оҳанг талабларига уйғунлаштирар эканлар шаҳар шоирлари

нисбатан мослашувчан, “қўшиқбоп” вазнларни танлашарди. Анъанавий тавил вазнидан қочиб, кўпроқ вофир, рамал, мутақориб, ҳафиф, ҳазаж шакллариға мурожаат қилишарди (ҳазаж шаклининг номи “ҳазиж” – “ҳиргойи қилмоқ, “қуй яратмоқ” сўз ўзаги билан бир хиллиги тасодифий эмас) [Филштинский И.М., 1985; 528].

Шу тарзада ғазал узоқ ривожланиш йўлини босиб ўтган. Зеро, жанрнинг А. Веселовский айтган тарихий категория эканлиги унинг илк даври билан кейинги даврларидаги айрим тафовутларни инкор этмайди. Унинг муайян стандарт қолипларга тушгунча бўлган даврида айни мазмунни ифодалаш учун турли шакллардан фойдаланилган. Ниҳоят, тарихий тараққиётнинг қонуний натижаси сифатида унинг ҳозирги шакли барқарорлашиб борган. Ғазал номи қўлланмасидан олдин ҳам ишқ-муҳаббат мавзусидаги асарларнинг мавжудлигини ҳеч ким инкор этган эмас. Демак, уларни айни ғазалнинг қуртак ҳолидаги кўринишлари сифатида эътироф этиш жоиздир.

Араб адабиётидаги қасиданинг бир қисми, форс-тожик адабиётидаги ишқий мавзудаги шеърлар, қадимги туркий адабиётдаги, хусусан, фолклордаги муҳаббат мавзусини қуйлаган шеърларнинг кўплари мана шу тараққиётнинг турли босқичларида ғазал жанрининг шаклланиши учун асосий таянч нуқта бўлиб хизмат қилган.

Буларнинг барчаси ғазалнинг VI–VII асрларда араб адабиётида мустақил жанрга айланиш босқичи бошланганидан далолат беради. Лекин “қизиги шуки, на ғазал ва на худди ғазалдай араб поэзиясида пайдо бўлган рубоий турлари араб муҳитида раванқ топа олмади” [Шайхзода М., 1972; 356].

Ғазалнинг чин маънода ривожланиши, барқарор шакл ва маъно бутунлигига эга бўлиши, том маънодаги шеърӣ жанр мақомини олиши ва гуллаб-яшнаши форс диёрида юз берди. Рус шарқшуноси М.Л. Рейснер IX–XI асрларда ғазал форсий тил асосида кўпроқ мазкур адабий ҳодисанинг араб поэтик анъанларида мавжуд шакллари билан белгилаб қўйилган йўналишда ривожланганини қайд этган [Рейснер М.Л., 1989; 13].

Форс адабиётида ғазал жанрининг пайдо бўлиши ва такомилли юзасидан қатор тадқиқотлар олиб борилган. Бу тадқиқотларда энг баҳсли масала, асосан, ғазал жанрининг форс адабиётида қачон пайдо бўлганлиги билан боғлиқ. Олимларнинг бир қисми X асрни ва шу даврда яшаб ижод этган юксак истеъдод соҳиби “Одам уш-шуаро” Рудакийнинг ижод намуналарини илк ғазал сифатида тан олсалар, бошқа гуруҳ олимлари, хусусан, А. Мирзоев қатъиян: “Ғазал, албатта, X аср назмининг махсус бир шакли эмас” [Мирзоев А., 1977; 18] деб ҳулоса берган. Шиблий Нуъмонӣ, Е.Э. Бертелс ҳам бу даврда ғазал сўзи истеъмолда бўлган, лекин жанр сифатида мавжуд бўлмаган, деган фикрни билдиради.

XI асргача бўлган форс адабиёти, хусусан, ғазал намуналари бугунги кунга қадар етиб келмаганлиги, мавжудларининг ҳам қасиданинг насиб қисми ёки мустақил – муҳаббат мавзусида ёзилган шеър сифатида баҳолаш имконининг мавжуд эмаслиги мана шундай ҳулоса беришга йўл берган. А. Мирзоев Рудакий

шеърлари мазмунан ғазалга мос келади, лекин шаклан мос келмаслигини турли мисоллар ёрдамида исботлашга ҳаракат қилган. Бунда Рудакийнинг муҳаббат мавзусида ёзилган шеърларида радифнинг йўқлиги, мақтаъда тахаллуснинг қўлланмаганлигини асос сифатида олиб, ғазал бу даврда тўлиқ шаклий тугаллик касб этмаган деган хулосани беради. Лекин, бизнингча, ғазалда радиф ёки тахаллуснинг мавжуд эмаслиги уни ғазал деб баҳоламасликка асос бўлолмайди. Чунки ушбу жанрнинг энг гуллаб-яшнаган даври XV асрда яшаб ижод этган “ғазал мулкининг султони” саналмиш Алишер Навоий ғазалларида ҳам тахаллус ва радиф қўлланилмаганлари учрайди. Масалан, “Фавойид ул-кибар”даги *“Ваҳки, бу бедилга минг дин ўлди, эй дилхоҳ, кел...”* деб бошланган бир ғазалда эса, умуман, тахаллус йўқ” [Ҳайитметов А., 2015; 328].

Шу ўринда ғазалларда тахаллус қўлланилиши билан боғлиқ фикрларга диққат қаратиш зарур. Е.Э. Бертелс ва О.Носиров ўз тадқиқотларида тахаллусни қачон ва ким томонидан қўлланилгани номаълум деб қайд этган бўлсалар, шарқшунос Франклин Д. Левиш ўз тадқиқотида ғазалларда илк тахаллус қўллаган ижодкор сифатида Санойини кўрсатади [Левиш Ф.Д., 1995; 624]. Е.Э. Бертелс тахаллус қўллаш аънанаси сўфийлар лирикасида кузатилганини таъкидлаб, уларнинг хунарамандлар билан яқин алоқада бўлганлиги, улар ясаган маҳсулотларига ўзининг номини ёзиб қўйиш одати мавжуд эканлиги, айти шу одат сўфий шоирлар ғазалларида тахаллус қўллаш аънанасини бошлаб берган бўлиши мумкинлигини тахмин қилади [Бертелс Е.Э., 1960; 519]. Турк адабиётшунос олими Аҳмет Атеш ҳам “ғазал” атамасига бағишланган мақоласида тахаллус қўллаш аънанасини айнан сўфийлар ижоди билан асослайди: “Ғазалнинг охирида шоирнинг исмини зикр этиш одати ҳар ҳолда сўфиёна шеърларда бошланган... Бу шоирлар мамдуҳларини мактайдими, ишқни ёки севгилисининг васфларини тасвирлаган пайтда ўз исmlарини айтмоққа кўп ҳам фурсат топа олмасдилар. Бунга қарши нафсини ҳар он муробақа этган ва бу йўл билан ҳақиқий севгилисига – Аллоҳга эришмоқ истаган сўфий тез-тез ўз-ўзига хитоб эта оларди” [Атеш А., 1978; 732-733]. Ушбу фикрларга О.Носиров ҳам тўлиқ қўшилган ҳолда қуйидаги хулосаларни чиқаради:

“1. Ўтмишда кенг халқ оммаси ўқиш, ёзишни ўрганиш имкониятидан маҳрум эди. Улар ғазалларни тинглар ёки қуйлар эдилар. Қўшиқ матни кимники эканлигини фақат тахаллусдангина билиш мумкин эди, шу боисдан шоирлар тахаллус қўллаб бошлаганлар.

2. Ғазаллар баъзан вазни, қофияси, радифи, мазмуни, мавзуси билан бир-бирига ўхшаш бўлиши мумкин (татаббуъ). Бундай ҳолларда ҳам тахаллус бўлиши жуда зарур.

3. Классик шеърятда жуда кўп терминлар уйга алоқадор сўзлардан тузилган (масалан, байт – уй, рукн – устун, тарсе – айвон ва бошқалар). Шоирлар ҳам ўз асарларини маълум даражада бинога ўхшатган бўлсалар, шеър охирига тахаллус қўйиш – меъморнинг ўзи қурган бинога номини ёзиб қўйишдек бир ҳодиса экани ажабналарли эмас” [Носиров О., 1972; 14].

XI–XII асрларга келиб ғазал тўлиқ шаклий белгиларга эга бўлди. Унинг

мавзу доираси кенгайди, бу даврда тасаввуфнинг ривожланиши ғазалнинг образлар галереясини янада бойитди. XI асрда Унсурий, Манучехрий, Фаррухий, Анварий, диний-тасаввуфий йўналишда ижод қилган Абдулла Ансорий, Бобо Кўхий, Фаридиддин Аттор каби ижодкорлар ғазалнинг илк ривожланиш босқичига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшдилар. XIII–XIV асрларда Жалоллиддин Румий, Саъдий Шерозий, Ҳофиз Шерозий каби шоирлар ижодида ғазал ўзининг такомил чўққисига эришди. Улар яратган ғазаллар нафақат ўз даври, балки келажак учун катта мактаб бўлди.

Ўзбек адабиётида илк ғазал намунаси XIV аср ёзма адабиётига тегишли. Ушбу ғазал Рабғузийнинг “Қиссаси Рабғузий” асари таркибида учрайди. Айни шу даврда Хоразмийнинг “Муҳаббатнома” асари таркибида ҳам бир нечта ғазал намуналарини учратамиз. Ушбу ғазалларнинг шаклан ва мазмунан барча талабларга жавоб бериши ғазал ўзбек адабиётида ҳам XIV асрдан анча илгарироқ вужудга келган деган тасаввурни беради. “Қутадғу билиг”да ғазалнинг қофияланиш услубига ўхшаш байтлардан иборат қасидалар бор. Алишер Навоий “Мезон ул-авзон”да келтирган қўшиқ, масалан, “рамали мусаммани мақсур”да битилувчи “туркий” ва бошқалар ҳам анча қадимий оғзаки шеър навлари бўлган. ... поэзиянинг ўзбек тилидаги илк намуналаридан бири саналган “Девони хикмат”да ҳам бир неча ғазаллар учрайди. Бу ҳол туркий тилдаги адабиётларда, жумладан, ўзбек адабиётида ғазалнинг жанр сифатидаги шаклланиш процесси X–XI асрлардаёқ бошланган деган хулосага келишга имкон беради” [Орзибеков Р., 1976; 11].

Ўзбек адабиётида ғазал жанрининг ривожланишига Сайфи Саройи, Атойи, Саккокий, Лутфий ва яна кўплаб шоирлар муносиб ҳиссаларини қўшди. XV аср эса ўзбек адабиётининг олтин даври ҳисобланади. Бу даврда “Навоий ўз ғазаллари билан XV асрнинг лирик энциклопедиясини яратди” [Орзибеков Р., 1976; 11]. Ғазал жанрини шакл ва мазмун, миқдору сифат жиҳатдан мисли кўрилмаган даражага етказди. Улуғ шоир ғазаллари кейинги давр учун ижод мактаби вазифасини ўтади. Ўзбек адабиётида ҳам ғазалнинг мавзу доираси вақт ўтган сари тобора кенгайиб борди. XVI асрда Бобур ғазаллари билан ватан, диёр соғинчи мавзуларини олиб кирган бўлса, XVIII–XIX асрларда яшаб ижод қилган Машраб, Турди Фароғий, Гулханий, Махмур, Огаҳий, Комил Хоразмий, Увайсий, Нодира ва бошқалар ижодида реалистик йўналиш кучайди. Алишер Навоий бошлаб берган ҳажвий ғазаллар айни шу даврда тараққий топди. Ижтимоий ҳаётдан норозилик мотиви кириб келди. Бу даврда яратилган ғазалларининг яна бир жиҳати шундаки, эндиликда ғазалларда махсус ном – сарлавҳа қўйиш одат тусига кира бошлади. Шунингдек, ғазал “формал-поэтик жиҳатдан ҳам тараққий қилди, ғазалнинг турлари кўпайди, ғазали муламмалар, ғазали мувашшаҳлар, ғазали мушоиралар яратилди” [Носиров О., 1972; 52]. XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларида ижод этган Завкий, Аваз Ўтар, Анбар Отин, Ҳамза, Фурқат, Муқимий, Абдулла Авланий каби шоирлар ғазалларида, асосан, ватанпарварлик, маърифатпарварлик ғоялари етакчилик қилди, шунга мувофиқ ғазал жанрининг тасвир объекти ва образлар доираси янада кенгайди.

XX аср охири ва XXI аср бошларида эса “эскилик сарқити” сифатида баҳолана бошлаган ғазал Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Жамол Камол, Сироҷиддин Саййид каби ижодкорлар шеърларидан яна қайтадан жонланди, анъаналарга таянган ҳолда ўзининг янги қирраларини кашф эта бошлади.

ХУЛОСА

Юқоридаги манбалар, фикр-мулоҳазаларга асосланиб шуни айтиш мумкинки, ғазал жанри узоқ такомил йўлини босиб ўтган. Унинг илк куртаклари араб диёрида исломдан олдинги даврларда пайдо бўла бошлаган. Ислом динининг кириб келиши ҳамда кенг ёйилиши, янги шаҳарларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши, давлатлар ўртасидаги савдо-сотик ва маданий алоқалар ғазал жанрининг ривожига ҳам муҳим ўрин тутган. Араб адабиётида, асосан, қасиданинг насиб қисми сифатида иштирок этиб, фақат ишқ-муҳаббат мавзусини куйлаган ғазал XI–XII асрларда форсий адабиётда тўлиқ мустақил шеърий жанрга айланди. Ғазалда матлаъ ва мақтаъни шакллантириш ҳамда таҳаллус қўллаш ғазалнинг шаклий етуқлигини таъминловчи унсурлар сифатида баҳоланди. Туркий адабиёт таъсирида ғазалнинг ифода имкониятлари янада кенгайди, янги образ ва ғоялар билан бойиди.

Ғазал сўзи, истилоҳи ва жанрига таъриф бериш жуда узоқ давом этган. Бу ҳолни икки жиҳат билан асослаш мумкин, биринчиси, ғазалнинг жанр сифатида янги қирраларни касб этиб бориши, яъни жанр эволюцияси, иккинчиси, ғазал жанрига хос хусусиятларни ушбу таърифларда мукаммал акс эттириш истаги. Ҳатто ғазал жанр сифатида тўлақонли шаклланиб бўлган даврда ҳам бу жанрга таъриф бериш давом этган. Юқорида Қайс Розийнинг ғазал сўзи генезисига оид фикрлари ушбу жанр табиатини тушунишда муҳим детал бўлиб хизмат қилади. Яъни мазкур шеър жанри нафақат оху маъносини берувчи ғазал (ғизол, ғазола) сўзини ном сифатида қабул қилган, шу билан бирга охунинг табиати жанр характерини белгилаб берувчи асосий хусусият сифатида сақланиб қолган. Чунки барча анъанавий ғазалларнинг мазмунида ошиқ аксар бечора, ҳаста, заиф, имконсиз ҳолатда тасвирланиб, ўз маъшуқасига мудом ялиниб-ёлворади, аҳволидан шикоят қилади, азоб-укубатларини айтиб ингранади. Мақсад эса маъшуқада раҳм-шафқат, меҳр-муҳаббат, ўзига нисбатан майл уйғотишдир.

Ғазални қачон пайдо бўлгани ва илк ғазал муаллифи ҳақида турли қарашлар мавжуд. Олимларнинг аниқлашича, ғазал исломдан олдин, жоҳилият даврида ҳам мавжуд бўлган. Ғазал адабиёт тарихида ҳам мустақил шеърий шакл сифатида мавжуд бўлган, шу билан бирга, қасиданинг насиб қисмида ҳам қўлланилиб, ушбу жанрга чиройли кириш – безак вазифасини ҳам бажарган.

Ушбу лирик жанрнинг ҳажми масаласи ҳам адабиётшуносликда кўплаб баҳсларга сабаб бўлган. Ҳар бир манбада ғазалнинг ҳажми ҳақида турли фикрлар учрайди. Масалан, Тарозий ғазалнинг кўпи йигирма байтгача, ками беш байтгача бўлишини эътироф этиб, тўрт байтли ғазалга фақат истисно туфайли ижозат борлигини таъкидлайди. Мазкур қараш кейинги давр адабиётшуносларининг ғазал жанрининг ҳажмига оид қарашлари учун асос бўлиб хизмат қилган.

Шу тарзада ғазал узоқ ривожланиш йўлини босиб ўтган. Зеро, жанрнинг А.Веселовский айтган тарихий категория эканлиги унинг илк даври билан кейинги даврларидаги айрим тафовутларни инкор этмайди. Унинг муайян стандарт қолипларга тушгунча кечган даврида айни мазмунни ифодалаш учун турли шакллардан фойдаланилган. Ниҳоят, тарихий тараққиётнинг қонуний натижаси сифатида унинг ҳозирги шакли барқарорлашиб борган. Ғазал номи қўлланмасидан олдин ҳам ишқ-муҳаббат мавзусидаги асарларнинг мавжудлигини ҳеч ким инкор этган эмас. Демак, уларни ғазалнинг қуртак ҳолдаги кўринишлари сифатида эътироф этиш мумкин. Араб адабиётидаги қасиданинг бир қисми, форс-тожик адабиётидаги ишқий мавзудаги шеърлар, қадимги туркий адабиётдаги, хусусан, фолклордаги муҳаббат мавзусини куйлаган шеърларнинг кўплари мана шу тараққиётнинг турли босқичларида ғазал жанрининг шаклланиши учун асосий таянч нуқта бўлиб хизмат қилган.

Таъкидлаш керакки, ғазалнинг ривожланиш тарихини ўрганиш, ғазал жанри ҳақида ёзилган илк манбаларга мурожаат қилиш, унинг этимологияси ва генезисини билиш, адабиётшунос олимлар ҳулосаларига таянган ҳолда жанр имкониятларини тўлиқ тушунтириш таълимнинг турли босқичларида мазкур жанрни ўқитишда, ғазалларни тўғри шарҳлаш ватаҳдил қилишда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1. *Adabiy turlar va janrlar (tarixi va nazaryasiga oid)*. III jildlik. II jild. Lirik. (1992). Toshkent. 248.
2. Ateş, A. (1977). *Gazel. Islam Ansiklopedisi*. Istanbul: Milli Egitim Basimevi, (4), 848.
3. Ayangil, H. (2011). 17. *Yüzyil türk edebiyatında gazel. Yüksek lisans tezi*. Malatya. 250.
4. Bertels, Y.E. (1960). *Istoriya persidsko-tadjichiskiy literaturi*. Moskva: Izdatelstvo vostochnoy literature. 556.
5. Filstinskiy, I.M. (1985). *Istoriya arabskoy literaturi. V – nachalo X veka*. Moskva. 528.
6. Fitrat, A. (2006). Tanlangan asarlar. *Darslik va o'quv qo'llanmalari, ilmiy maqola va tadqiqotlar*. Toshkent. 336.
7. *G'iyos ul-lug'ot: iborat as se jild*. (1988). Dushanbe: Adib, Sod – Yo. (2), 416.
8. Hayitmetov, A. (2015). *Navoiy lirikasi*. O'zbekiston. 328.
9. Jalajel, D. (2020). *A short history of the ghazal*. http://www.ghazalpage.net/prose/notes/short_history_of_the_ghazal.html
10. Kanani. (1948). The development of “ghazal” in Arabic Literature. *PhD diss. philol. science*. 419.
11. Koshifiy, K.H.V.S. (1369). *Badoe ul-afkor fi sanoe ul-ash'or*. Tehron: Nashri markaz. 377.
12. Lewis, F. D. (1995). Reading, writing and recitation: Sana'i and the origins of the Persian ghazal. *Diss. PhD*. Chikago. 624.
13. Mirzoyev, A. (1977). *Sezdah maqola (Az tarixi adabiyoti asrholi X-XV forsu tojik)*. Dushanbe. 288.
14. Nosirov, O. (1972). *O'zbek adabiyotida g'azal*. Toshkent: G'afur G'ulom nomidagi adabiyot va san'at nashriyoti. 136.
15. Orzibekov, R. (1976). *O'zbek lirik poeziyasida g'azal va musammat*. Toshkent. 120.
16. Reysner, M. L. (1989). *Evolusiya klassicheskoy gazeli na farsi (X – XIV veka)*. Moskva: Nauka. Glavnaya redaktsiya vostochnoy literaturi. 224.
17. Shamsi Qaysi Rozi. (1991). *Al-mo'cham: Adib*, Dushanbe. 464.

18. Shayx Axmad ibn Xudoydod Taroziy. (1996). *Funun ul-balog'a*. Toshkent. 212.
19. Shayxzoda, M. (1972). Asarlar. IV jild. *G'azal mulkinining sultoni*. Toshkent: Adabiyot va san'at nashriyoti. 372.
20. Süleymanova, M.V. (2012). Qəzəl XV əsr Azərbaycan poeziyasının əsas janri kimi. *Baki universitetinin xəbərləri*, (3), 34-38.
21. Vatvat, R. (1978). *Hadoiq us-sehr*. Dushanbe. 144.

REFERENCES

1. Atesh, A. (1977). *Gazel. Encyclopedia of Islam*. Volume 4. Istanbul: Milli Egitim Basimevi. 848 p.
2. Ayangil, H. (2011). The ghazal in Turkish literature of the 17th century. *Master's thesis*. Malatya. 250.
3. Bertels, Y.E. (1960). *History of Persian-Tajik literature*. Moscow: Oriental literature publishing. 556 p.
4. Filshtinskiy, I.M. (1985). *History of Arabic literature. V – early Xth century*. Moscow. 528 p.
5. Fitrat, A. (2006). *Selected Works. Textbooks and manuals, scientific articles and research*. Tashkent. 336 p.
6. *Giyas ul-lugat: consists of three volumes*. (1988). Dushanbe: Adib, Sod - Yo., 2, 416.
7. Hayitmetov, A. (2015). *Lyrics of Navoi*. Uzbekistan. 328 p.
8. Jalajel, D. (2020). *A short history of the ghazal*. http://www.ghazalpage.net/prose/notes/short_history_of_the_ghazal.html
9. Kanani. (1948). The development of “ghazal” in Arabic Literature. *PhD diss. philol. science*. 419 p.
10. Kashifi, K.H.V.S. (1369). *Badoe ul-afkor fi sanoe ul-ash'or*. Tehran: Publishing Center. 377 p.
11. Lewis, F.D. (1995). Reading, writing and recitation: Sana'i and the origins of the Persian ghazal. *Diss. PhD*. Chicago. 624 p.
12. *Literary types and genres (related to history and theory)*. Volume III. Volume II. Lyrics. (1992). Tashkent. 248 p.
13. Mirzoev, A. (1977). *Thirteen article* (the history of literature in the X-XV centuries in Tajik). Dushanbe. 288 p.
14. Nosirov, O. (1972). *Gazelle in Uzbek literature*. Tashkent: Gafur Gulam publishing house of literature and art. 136 p.
15. Orzibekov, R. (1976). *Ghazal and musammat in Uzbek lyric poetry*. Tashkent. 120 p.
16. Reysner, M.L. (1989). *Evolution of classic ghazal in farsi (X - XIV centuries)*. Moscow: Nauka. Main edition of Eastern literature. 224 p.
17. Shamsi Qaysi Rozi. (1991). *Al-Mocham*. Dushanbe. 464 p.
18. Shaykhzoda, M. (1972). *Novels. The Sultan of the ghazal kingdom* (4). Tashkent: Literature and art publishing house. 372 p.
19. Sheikh Ahmad ibn Khudoydad Tarazi. (1996). *Funun ul-baloga*. Tashkent. 212 p.
20. Süleymanova, M.V. (2012). *Ghazal as the main genre of XV century Azerbaijani poetry*. News of Baku University, 3, 34-38.
21. Vatvat, R. (1978). *Hadoiq us-sehr*. Dushanbe. 144 p.